

«ТАСДИҚЛАНГАН»
"SIRG'ALI DEHQON BOZORI"
AKSIYADORLIK JAMIYATI

(эмитентнинг номи)

Кузатув кенгаши-раиси

К.Р.Расулов

(жамият кузатув кенгаши раисининг ёки бошқа
ваколатли шахснинг Ф.И.О. ва имзаси)

(сана)

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»

Ўзбекистон Республикаси Истикболли
лойиҳалар миллий агентлиги

(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

Директорнинг биринчи ўринбосари

В.Пак

(рўйхатдан ўтказувчи орган ваколатли шахснинг
лавозими, Ф.И.О. ва имзаси)

15.12.2025 й.

001704-сон

(сана)

М.Ў.



(сана)



"SIRG'ALI DEHQON BOZORI" AKSIYADORLIK JAMIYATI
ҚЎШИМЧА АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИ

Идентификация рақами берилди:	R	U	1	0	4	Q	0	1	7	0	T	1
----------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Эгасининг номи ёзилган 46826 (қирк олти минг саккиз юз йигирма олти) дона номинал қиймати 1000,00 (бир минг) сўмлик ҳужжатсиз шаклдаги оддий акциялар.

Ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна усули билан жойлаштирилади.
Акцияларнинг ушбу чиқарилиши тўртинчи чиқарилишдир.

Жамият кузатув кенгашининг 2025 йил 14 октябрдаги № 6-сонли баённомаси билан қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор тасдиқланган.

(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаган орган)

Жамият кузатув кенгашининг 2025 йил 14 октябрдаги № 6-сонли баённомаси билан қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинган.

(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилган органи кўрсатилади)

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили: 100085, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели - 6 мавзеси, Янги Сергели кўчаси.

Тел: + 71 251-34-64 . email: sirg'alidehqonbozori@mail.ru

Эмитентнинг раҳбари:

Бегнаев Фазлиддин Усманович

Бош бухгалтер:

Норқулов Воҳид Таваккал ўғли

Мухр

"___" октябр 2025 йил



1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **оддий акциялар.**

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **хужжатсиз.**

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **1000 сўм**

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **46 826 дона**

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **46 826 000 сўм**

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари: ушбу чиқарилишдаги ҳар бир оддий акция эгаларига қуйидаги ҳуқуқларни беради:

- Эмитентнинг акциядорлари реестрига киритилиши;
- депо ҳисоб-варағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Эмитент фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Эмитент тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улۇшга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Эмитентни бошқаришда иштирок этиш;
- Эмитентнинг молния-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендларни эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- Ўз манфаатларини ифодлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларини бирлаштириш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Эмитент акциядорлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Эмитент устави билан белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: Эмитент Уставида ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига доир чеклов мавжуд эмас. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жамият акциядорларига имтиёзли равишда олиш ҳуқуқини қўлдаган ҳолда, Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларини бошқариш маркази” Давлат унитар корхонасига ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **650 000 000 сўм.**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **650 000 (олти юз эллик минг) дона оддий акциялар.**

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Эмитент томонидан илгари облигациялар жойлаштирилмаган.**

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна): Ушбу чиқарилишдаги акциялар қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорларига имтиёзли равишда олиш ҳуқуқини қўлдаган ҳолда, Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларини бошқариш маркази” Давлат унитар корхонасига ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

(Елиқ обрўс бўлган жойларда, асосан акцияларнинг қиммати оғушлар доираси ҳам кўрсатилади).

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати: Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш, акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатига ўтказилган кундан бошлаб қирқ беш кун ичида жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – акциялар чиқарилиши давлат рўйхатига ўтказилгандан кейин акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг мажбул бўлган тўғрисидаги билдиришнома қонуни ҳужжатларида ўрнатилган тартиб ва муддатларда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан эътиборан 11 (ун биринчи) кун. Бироқ имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати давомида эмитентнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, ушбу аризаларнинг охиригача эмитентга келиб тушган кундан кейинги иш кунин акцияларни жойлаштиришнинг бошлаш санаси ҳисобланади.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – мазкур чиқарилишнинг сўнгги акцияни жойлаштирилган сана, бироқ давлат рўйхатига олинган санадан бошлаб қирқ беш кундан ошмаслиги лозим.

Агар акцияларни жойлаштириш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади).

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби: ушбу чиқарилаётган акциялар уюшмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри фуқаролик ҳуқуқий битимлар тузиш орқали қонунийликда белгиланган тартибда жойлаштирилади. Акциялар жойлаштирилиши жараёнида андеррайтерлар жалб қилиниши кўзда тутилмайди.

Акциядорларнинг имтиёзли олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугаганига қадар чиқарилаётган акциялар имтиёзли ҳуқуқга эга бўлмаган шахсларга жойлаштирилмайди. Акциядорларнинг имтиёзли олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин қолган акциялар Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларини бошқариш маркази” Давлат унитар корхонасига жойлаштирилади.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шакли: ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳақида маълумот:

Тўлиқ номи: Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси акциядорлик жамияти;

Ташкилий ҳуқуқий шакли: акциядорлик жамияти;

Жойлашган жойи ва почта манзили – 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 107 уй;

Телефон: (71) 267-37-42, факс: (71) 267-36-87. e-mail:

Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси ўз фаолиятини “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.05.1999 йилдаги 263-сонли “Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийсини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида”ги Қарори асосида юритади.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: Чиқарилаётган акцияларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга. Акциядор ушбу чиқарилишдаги акцияларни ўзига тегишли шу турдаги

акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлади. Жамият акцияларини имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган сана ҳолатига шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади. Имтиёзли ҳуқуқ амалга оширилган тақдирда, акциядорлар акцияларнинг фақат бутун миқдорини олиши мумкин. Жамият акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан 10 (ўн) кун ичида оммавий ахборот воситаларида билдиришномани эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорларига акцияларни олишни таклиф этади. Билдиришнома матнида жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу ҳуқуқи амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни олишни тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни Жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида Жамиятга тақдим этилиши керак. Акциядорларнинг акцияларни имтиёзли олиш ҳуқуқи билдиришнома эълон қилинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қилади. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўттунига қадар Жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди. Имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш, шу жумладан имтиёзли ҳуқуққа эга акциядорлар ўртасида жойлаштириш “Gold Grand Estimation” масъулияти чекланган жамиятининг 25.12.2024 йилдаги № 266/2024-сонли баҳолаш ҳисоботиغا ҳамда “Urganch baholash va konsalting” масъулияти чекланган жамиятининг 16.01.2025 йилдаги №-02ЭХ-сонли эксперт хулосасига асосан 16727 (ўн олти минг етти юз йигирма етти) сўмдан амалга оширилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: – ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида фақат пул маблағлари билан нақд ва (ёки) нақдсиз шаклда қонунийликда белгиланган тартибда амалга оширилади. Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларини бошқариш маркази” Давлат унитар корхонаси томонидан ҳукумат (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси) қарорларига мувофиқ миллий валютада нақдсиз пул маблағлари орқали амалга оширилиши мумкин. Имтиёзли ҳуқуқ бўйича жойлаштириладиган акциялар учун тўловлар нақд ва нақдсиз пул маблағлари кўринишида қабул қилинади.

Акциялар учун пул маблағлари ТИФ “Миллий банки” бош офисининг қуйидаги ҳисоб рақамга қабул қилинади: х/р 20208000400119504001, МФО 00450, СТИР 200648833. Банк жойлашган манзил: 1000085, Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, Сергели деҳқон бозори ҳудуди. (Жамиятнинг асосий банк реквизити)

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган ёки суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови воситалари ушбу чиқарилиши амалга ошмаган ёки суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган кундан бошлаб ўн кун ичида эмитент томонидан қонунийликда белгиланган тартибда қайтариб берилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби: Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотнинг ошкор қилиниши Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот (25-сонли муҳим факт) ва қонунчилик билан белгиланган бошқа маълумотлар, акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг, қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган муддатда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Жамият фаолиятида муҳим фактлар вужудга келганлиги тўғрисидаги маълумотлар икки иш куни ичида Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва Корпоратив ахборот ягона порталида (www.openinfo.uz) ошкора этилади.

Манфаатдор шахслар қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорнинг нусхасини Жамият помига ёзма сўровнома юбориш орқали олишлари мумкин. Эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорининг асли ва нусхаси билан Ўзбекистон Республикаси, 100085, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели - 6 мавзеси, Янги Сергели кўчаси. Жамиятнинг маъмурий биносида танишиш мумкин.

13. Бошқа маълумотлар: Кўзда тутилмаган.